

Сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди



Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ислом Каримовга 17 миллион 122 минг 577 фуқаро ёки сайловчилар умумий сонининг 90,39 фоизи, Акмал Саидовга 582 минг 688 киши ёки сайловчиларнинг 3,08 фоизи, Ҳотамжон Кетмоновга 552 минг 309 киши ёки сайловчиларнинг 2,92 фоизи, Наримон Умаровга 389 минг 24 киши ёки сайловчиларнинг 2,05 фоизи овоз бергани маълум қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЁРИТИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИДА ЎТКАЗИЛГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЭРКИН ВА ОШКОРА ЎТДИ

■ Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган халқаро ташкилотлар миссияларининг якуний матбуот анжуманлари бўлиб ўтди.

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини миссия раҳбари, ассоциациянинг режалаштириш бўлими директори Ли Чжон Хи бошкарди.

29 марта — сайлов кўни миссия вакиллари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш ҳамда уларни санаб чиқиш жараёнини кузатгани таъкидланди. Миссия аъзоларининг фикрича, сайлов юксак ташкилий даражада ўтди, сайловчилар овоз беришда фаол иштирок этди, овозларни санаб чиқиш жараёни очиқ ва ошкора амалга оширилди.

— Кузатов давомиди сайлов қонунчилиги бирор марта ҳам бузилмаганининг гувоҳи бўлдик, — деди Ли Чжон Хи журналистларга берган интервьюсида. — Сайлов куни эрталаб соат 10:00 да овоз бериш учун келган сайловчилар сони 30 фоиздан ошгани аҳолининг фаоллиги, мамлакат келажаги учун ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишдан манфаатдорлигидан далолат беради. Шунингдек, бу ғуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юқорилигини намойён этади.

* * *

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманида МДХ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедев миссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган баёнотини ўқиб эшиттирди.

С.Лебедев: «Узбекистон миллий сайлов қонунчили-
гига кейинги йилларда киритилган ўзгартишлар уни
янада такомиллаштирганини таъкидлади. Бунда халқ-
аро тажриба ва миллий манфаатлар уйғунлигини
қўриш мумкин.

— Биз сайлов жараёнини эркин кузатишимиз учун барча шароит яратиб берилди, — деди Сергей Лебедев. — Сайлов комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари билан учрашдик, фуқаролар, сиёсий партиялар кузатувчилари билан суҳбатлашдик. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлиб, жойларда сайловга тайёргарлик ишлари билан танишдик, овоз бериш жараёнини кузатдик. Сайлов юксак савияда ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Сиёсий партиялар кузатувчилари ва халқаро экспертлар билан фикр алмашиб, сайлов очиқ ва ошкора ўтгани ҳақида яқдил хулосага келдик.

Миссия вакилларининг таъкидлашича, сайловда сайловчиларнинг 91 фоиздан ортиги иштирок этгани алоҳида эътиборга молик кўрсаткичдир. Бу Ўзбекистон фуқаролари ўз масъулиятини тегаран ҳис этиб ва мамлакат Президенти лавозимига муносиб номзод учун овоз бериб, юрт келажагига ҳиссасини қўшишга интилаётганидан dalolat беради.

Сайловда ёши улуг кишилар ва ёшлар бирдай фаол иштирок этгани МДХ кузатувчиларида катта таассурот қолдирди. Айниқса, 2 миллионга яқин йигит-қиз илк бор овоз бергани диққатқа сазовор. Сайлов участкаларига кела олмаганларнинг овоз бериши ва муддатидан олдин овоз бериш учун яратилган шароитлар юксак даражада ташкил этилди.

► Давоми 2-бетда.

■ «ЕШ СІЁСАТЧИ — 2015»

ФАОЛ ВА БИЛИМДОН ЁШЛАР ТАНЛОВИ

■ Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истикбол» ёшлар қанотининг «Ёш сиёсатчи-2015» кўрик-танловининг биринчи, яъни бошланғич партия ташкилотлари босқичи давом этмоқда. Чуст туман партия кенгашида ўтказилган танловда «Сабзавор», «Муस्ताқиллик», «Ҳисорак» маҳаллаларидаги ҳудудий партия ташкилотларининг иқтидорли ёшлари иштирок этди.

Танлов шартлари иштирокичи йигит-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, изчил амалга ошириладиган ислохотларга дахлдорлиги, мамлакатни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёنларидаги фаол иштирокини таъминлаш борасидаги вазифаларга уйғунлашган. Бу танловда катнашган ёшларнинг билимдонлиги, тиришқоқлиги ва ҳозиржавоблиги ҳам намоён бўлди.

— Дарҳақиқат, сафимизда илтилувчан ёшлар кўп. Фақат уларнинг қўзиқиш ва қобилиятини рўёбга чиқаришга ёрдам бериш, керак, — дейди **туман партия кенгаши раиси Мухсиннон Бобохона**.

— Қўрик-танлов айнан ана шу мақсадга хизмат қилади. Иштирокчилар танловга пухта тайёргарлик қўришди. Партия миз Ахборот-маърифат хонасига келиб, сиёсий адабиётлар, қонулар билан танишишди, сиёсий партиялар наشرларини қўзатиб бориш

ди. Шунинг учун ҳар бир иш-тироқчи саволларга аниқ ва тезлик билан жавоб берди. Бундан ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Чунки билимдон ёшларимиз қанча кўпайса, партиямиз сафи салоҳиятли аъзолар ҳисобига янада кучаяди.

Танлов уч шартда ўтказилди. Гулбаҳор Шарипова, Шахноза Ғаммаева, Суннатилло Аҳатовна, Иқболна Рустамова, Фотимахон Зайниддинова, Мирзоаҳмад Деҳқонна, Мафтуна Фозиловна сингари иқтидорли йигит-қизлар танловда фаол иштирок этди. Наманган давлат университети талабаси Суннатилло Аҳатовна туман босқичига йўлланмани кўлга киритди.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи жараёнларида ўзини партияга хайрихоҳ, деб билган ўттиз нафардан зиёд йигит-қизга партия аъзолари гувоҳномалари топширилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири,

«Мен Президент сайловида биринчи марта овоз бердим...»

КУНИ КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДА МУҲИМ СИЕСИЙ ВОҚЕА — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ. ҲАР БИР ФУҚАРО КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИДАН ФОЙДАЛАНИБ, САЙЛОВДА ЎЗИ МУНОСИБ ДЕБ БИЛГАН НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРДИ. САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР, АЙНИҚСА, БИРИНЧИ МАРТА ҚАТНАШАЁТГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР КАТТА ҲАЯЖОН ВА ЧУҚУР МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ИШТИРОК ЭТДИ. МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ КАТТА ҚИСМИНИ ЁШЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ДЕМАК, УЛАРНИНГ ОВОЗИ САЙЛОВДА ҲАЛ ҚИЛУВДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

ДЕПУТАТЛИК СҮРОВИ

**фуқароларни қийнаётган муаммоларни
ҳал этиш, одамларнинг партияга ишончини
оширишга хизмат қилувчи
муҳим институтдир**

■ Депутатлик сўрови, аввало, давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга оширади, қонулар ижросига ўзига хос таъсир кўрсатади. Энг асосийси, сайловчилар, партия электорати вакиллариини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият қасб этади.

БУНГА ХАЁТДАН КЎПЛАБ МИСОЛЛАР КЕЛТИРИШ
МУМКИН. ПАРТИЯМИЗДАН САЙЛАНГАН
ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ГУРУҲИ РАҲБАРИ РАИМБЕРГАН
САБУРОВ УРГАНЧ ТУМАНИ ҚОРАМОН ҚИШЛОҒИДА
ҚУРИЛГАН НАМУНАЛИ ЛОЙИХАДАГИ ТУРАР-ЖОЙ
МАССИВИ ЙЎЛЛАРИНИ АСФАЛТ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ
ПАЙСАЛГА СОЛИНАЁТГАНИ ҲАҚИДА МУТАСАДДИ
РАҲБАРГА ЮБОРГАН ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ
ОРҚАЛИ МУАММО ХАЛ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистон ХДП
корхона ва иш
берувчиларнинг
тегишли
ҳудудлардаги касб-
ҳунар коллежларига
бириктирилиши
ҳамда мунтазам
ҳаракатдаги
«коллеж-корхона»
алоқаларининг
йўлга қўйилишини
қўллаб-
қувватлайди.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Ўзбекистонда демократик
тамойиллар
мустаҳкам қарор
топган

■ «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!»

Президент сайловида овоз беришда 18 миллион 942 минг фуқаро, яъни сайловчиларнинг 91,08 фоизи иштирок этди.



Санжар ШОТУЛАНОВ олган суратлар.

Сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган демократик принципларига тўла мувофиқ ҳолда ўтганини таъкидлади.

Овоз беришда 18 миллион 942 минг фуқаро, яъни сайловчиларнинг 91,08 фоизи иштирок этди. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради.

Сайловда сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолатлари қайд этилмади.

— Сайловчилар фаоллиги аҳолининг сиёсий маданияти юқорилигидан, фуқаролар мамлакатимизнинг келажакдаги тараққиёти уларнинг қарорига боғлиқ эканини чуқур англашдан далолатдир, — деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ислом Каримовга 17 миллион 122 минг 577 фуқаро ёки сайловчилар умумий сонининг 90,39 фоизи, Акмал Саидовга 582 минг 688 киши ёки сайловчиларнинг

3,08 фоизи, Хотамжон Кетмоновга 552 минг 309 киши ёки сайловчиларнинг 2,92 фоизи, Наримон Умаровга 389 минг 24 киши ёки сайловчиларнинг 2,05 фоизи овоз бергани маълум қилинди.

Анжуман қатнашчиларига Марказий сайлов комиссияси айна пайтда округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётгани ҳақида ахборот берилди. «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ушбу ҳужжатларни, зарурат туғилганда, айрим участка сайлов комиссияларининг материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта синчиклаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилигимизга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай, яъни 2015 йил 8 апрелга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЭРКИН ВА ОШКОРА ЎТДИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси матбуот анжуманини миссия раҳбари, ШХТ Бош қотиби Дмитрий Мезенцев бошқарди. У ташкилот кузатувчилари сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан танишганини таъкидлади. Миссияга Президентликка номзодлар ва уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этилди.

Миссия баёнотида Президентликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар берилгани, сайлов кампанияси давомида сайловолди ташвиқотини олиб боришда қонунни бузиш ҳолатлари аниқланмагани қайд этилган.

Овоз бериш жараёни ва сайлов якунларини сарҳисоб қилишни холис баҳолаш мақсадида миссия участ-

ка сайлов комиссияларининг фаолияти билан ҳам танишди. 29 март куни миссия аъзолари Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Зангиота ва Қибрай туманларидаги тўқсондан ортиқ сайлов участкаларида бўлди. ШХТ кузатувчилари овоз беришда фуқароларнинг фаоллиги юқори бўлганини таъкидлади.

«Кузатувчилар сайлов участкаларида бўлганида сайловчилар ва сиёсий партиялар вакилларида миссия аъзоларига шикоят ва танқидий фикрлар билдирилмади», деб қайд этилган баёнотда.

Миссия кузатув якунлари бўйича Президент сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга тўла мувофиқ ҳолда, очиқ ҳамда демократик вазиятда ўтганини таъкидлади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси ҳам Президент сайловини мониторинг қилиб борди. Матбуот анжуманида миссия раҳбари, ташкилотнинг сиёсий масалалар бўйича департаменти директори Али Аболхассаний миссия вакиллари Марказий сайлов комиссиясида учрашувлар ўтказгани, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишгани, сайловчилар билан суҳбатлашгани, овоз бериш жараёнини кузатганини таъкидлади.

— Сайлов ғоят юксак ташкилий даражада ўтди, — деди А.Аболхассаний. — Марказий сайлов комиссияси сайловга пухта тайёргарлик кўрган ва бу сайлов давомида яққол намоён бўлди. Сайлов миллий қонунчилик талаблари ва халқаро нормаларга тўла мос равишда, демократик тарзда, алоқатли ўтди. Фуқароларнинг ушбу муҳим сиёсий воқеада фаол иштирок этгани бизда катта таассурот қолдирди. Биз борган ҳар бир сайлов участкаси сайловчилар билан гавжум эди. Айниқса, улар орасида сайловда илк бор иштирок этган йигит-қизларнинг кўпчилиги қувонарли ҳолдир. Ёшларнинг бундай сиёсий воқеага қизиқиши ва фуқаролик масъулияти ортиб бораётганини ҳис этдик.

ЎЗА.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ

фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш, одамларнинг партияга ишончини оширишга хизмат қилувчи муҳим институтдир

«Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш борасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ҳамда вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғига юборилган депутатлик сўровлари натижасида соҳа ходимлари жойларда мазкур Қонун ижросини таъминлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширишган. Спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган савдо шохобчаларини ўқув муассасалари, тиббиёт масканларидан белгиланган масофада узоқликка кўчириш ва уларни сотишда харидорларнинг

тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи номига юборган депутатлик сўрови бир қарашда оддий масаладек кўринади. Аммо у сайловчилар ва фуқаролар мурожаатига асосланган. Яъни, худудда яшовчи фуқаролар кишлоқ қабристони кўримсиз, таъмирталаб ҳолдалиги, ҳашар йўли билан бу ишни амалга оширишда моддий қийинчиликлар юзага келгани борасида депутатга мурожаат қилишган. Тегишли бошқарма депутатлик сўровига тезкор эътибор қаратиб, мазкур қабристон ободончилиги учун керакли маблағ ажратган.

Хива туман Кенгаши депутати Шоназар Матёкубов 8-сон

ўрнатилишини сўраб тегишли ташкилотга депутатлик сўрови билан чиққан. Бу масала вақтида ижобий ҳал қилинган.

Масаланинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар бири ортида фуқаролар манфаати туради. Биргина йўл белгиси қўйдириш учун фуқаролар олдин бир қатор идораларга мурожаат қилишган. Масалани ҳал этиш турли ваъдалар билан пайсалга солиб келинган. Ниҳоят, депутат аралашган, фуқаролар талаби қондирилди. Табиийки, фуқаролар «Бу ишни бизнинг депутатимиз ҳал қилди», деб гапирди. Мутасадди ташкилотларнинг масъулияти кучаяди, депутатга, сиёсий партияга ишонч ортади.

Афсуски, депутатлик сўрови институтидан ҳар доим ҳам самарали фойдаланилмаётир. Ўтган қаҳриқда халқ депутатлари Ҳазорасп, Хива, Хонқа туман Кенгашларида депутатларимиз 126 нафарни ташкил этган. Аммо беш йил давомида депутатлар томонидан юборилган сўровлар сонини ҳисобласак, мақтаниб бўлмайди. Бундан икки йил олдин депутатлик институтидан фойдаланиш масаласи ўрганилганда ким қандай ишлаётгани яққол кўринган эди. Маҳаллий Кенгашдаги депутатлар сони деярли тенг бўлишига қара-

май, 2013 йилда Ҳазорасп туман Кенгашидаги партиямиздан сайланган депутатлар турли ташкилотларга 15 та сўров билан чиқишган бўлса, вилоят маркази – Урганч шаҳар Кенгашидаги депутатларимиз бор-йўғи битта депутатлик сўрови билан кифояланишган, холос.

Шу ўринда савол туғилади: Урганч шаҳрида ечимини қутаётган муаммо, масалалар йўқми? Агарда шаҳар партия кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига фуқаролар томонидан қилинган мурожаатларга назар ташласак, фуқароларни қийнаётган, ечимини қутаётган бир талай муаммолар мавжудлиги, улар йилдан йилга ўтиб келаётганига ғувоҳ бўламиз. Аммо, афсуски, шаҳар Кенгашидаги депутатлар бундан кўз юмиб келишган.

Ўтган қаҳриқда халқ депутатлари Ҳазорасп, Хива, Хонқа туман Кенгашларидаги депутатларимиз ўз ваколатларида кирувчи депутатлик сўрови институтидан бир қадар самарали фойдаланишган. Лекин қолган туман Кенгашларидаги депутатларимиз бу борада сусткашликка йўл қўйишганини айтиш ўринли.


Ўтган йилнинг декабр ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов бўлиб

ўтди. Вилоят, шаҳар, туман Кенгашларида партиямиз гуруҳлари аллақачон шаклланди. Улар электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловчилар ишончини оқлашда, партиямиз дастурий мақсадлари амалга ошишини таъминлашда асосий куч ҳисобланади. Депутатлар олдида беш йиллик масъулиятли меҳнат турибди. Унинг уч ойи ортда қолди.

Ҳўш, сайловчилар ишониб овоз берган, кўксига халқ вакили сифатида нишон таққан депутатлар шу давр ичида одамларни ўйлантираётган бирор масалани ўргандими, сайловчилар, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муайян режа туздими, умуман, депутат сифатида олдида бирор бир мақсад қўйдими, деган табиий саволлар туғилади. Бизнингча, ҳар бир депутат ушбу саволлар ҳақида ўйлаб кўриши, мушоада юритиши, депутатлик бурчи, вазифасини чуқур англаб етиши лозим.

Шундагина улар депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланади, туман ва шаҳарлар, вилоят ривожига депутат сифатида ҳисса қўшади, элнинг ишончини оқлайди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



«Мен Президент сайловида биринчи марта овоз бердим...»

Бекзод АРЗИЕВ,

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси:

— Мен биринчи марта сиёсий ҳуқуқимдан фойдаландим. Шунинг учун бўлса керак, сайловда катта ҳаяжон билан қатнашдим. Энди мен жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларнинг тенг-ҳуқуқли иштирокчиси бўлдим. Менинг овозим юртимизнинг эртанги тақдирини ҳал қилишда аҳамиятга эга. Албатта, бундай пайтда ҳар ким ҳам ҳаяжонланади, қувонади...

Эрта тонгданоқ сайлов участкаси томон ошиқар эканман, Президент кимлиги, ҳаётимизда унинг ўрни, аҳамиятини овоз бериш дақиқалари яқинлашгани сари янада чуқурроқ ҳис қилдим. Ўзим муносиб кўрган номзодга ишонч билан овоз беришим учун олдиндан номзодлар ҳақида, уларнинг дастурлари тўғрисида барча маълумотларга эга бўлдим. Тенгдошларим билан университетимизда сайлов бўйича ўтказилган барча тадбирларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилдим.

Сайлов куни фикримни бир жойга жамлаб, номзодлар дастурини яна бир бора таҳлил этдим, учрашувларда билдирилган мулоҳазаларни бирма-бир ҳаёлимдан ўтказдим. Чунки мен қўллаб-қувватлаган номзод эртага халқ манфаатини қўлаб иш тутадиган, ҳар томонлама етук, юксак салоҳиятли, эл-юрт фаровонлиги учун қуйиб-ёнадиган инсон бўлиши кераклиги ҳақида ўйладим.

Муҳаммадсодиқ Сайфуллаев,

Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани:

— Биз ёшларнинг таълим-тарбия олишимиз, келажакимиз, эртанги тақдиримиз давлат раҳбарининг олиб борадиган сиёсатига боғлиқ. Демак, мамлакат Президентини сайлаш юксак масъулиятдир. Сайлов варақасига белги қўйишда энди мен ҳам жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси эканлигимдан, менинг овозим инobatга олинишидан ўзгача фахр туйғусини туйдим.

Муносиб номзодга овоз беришда ўз мустақил фикримдан келиб чиқиб, холис муносабатимни эркин билдирдим. Бу орқали демократик қадриятларга бўлган қарашим янада юксалди. Демократик ислохотлар чуқурлашган, фуқаролик жамияти қарор топаётган мамлакат фарзанди эканимдан гурурландим.

Наргиза Бакаева,

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси:

— Мамлакатимизда биз, ёшларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқимиз қонун билан мустаҳкамланган. Шунинг учун сайловда қатнашиш, ўз позициямни намоён этиш фуқаролик бурчим эканлигини овоз бериш яқинлашгани сари янада чуқурроқ ҳис этдим, сайловда фаол қатнашишга ҳаракат қилдим. Энг муҳими, шу орқали мен мамлакат, халқ манфаатига дахлдор масала бўйича ўз хоҳиш-истагимни эркин баён этиш билан бирга мустақил фикр ва қарашларим асосида давлат бошқарувида иштирок этдим. Бунга ҳар бир киши учун катта шараф, деб биламан.

Овоз бериш кабинасига кирар эканман, мен биринчи марта овоз бераётганим, фақат муносиб номзодни қўллаб-қувватлашим кераклиги ҳақида ўйладим. Олдиндан Президентликка номзодлар ҳақида кенг маълумотга эга бўлганим, сиёсий-ҳуқуқий билимимни бойитганим овоз бериш жараёнида қўл келди. Бу ўзим ишонган номзодни танлашим, тўғри хулоса чиқаришимга асос бўлди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.



■ 29 МАРТ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИККИ МИЛЛИОН НАФАРГА ЯҚИН ЁШЛАР СИЁСИЙ ҲУҚУҚИДАН ФОЙДАЛАНИБ, ИЛК МАРТА ОВОЗ БЕРИШДИ.



■ ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА ЖОЙЛАРДАН САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ҚЎПОЛ РАВИШДА БУЗИЛГАНИ ҲАҚИДА ХАБАР КЕЛИБ ТУШМАДИ.

Сотиш ҳам, фойдаланиш ҳам тақикланади

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТАБИАТ — ТАБИБ

АЧЧИҚ ТАРВУЗ

қандли диабет касаллигини даволашда яхши самара беради

■ Аччиқ тарвузнинг асли ватани Ўрта Шарқ мамлакатлари ва Африка бўлиб, инсоният томонидан 3 минг йилдан бери етиштириб келинади. Унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида Ибн Сино асарларида ҳам батафсил ёзилган.

Халқ табobatiда мазкур тарвузни оз миқдорда истеъмол қилиш тавсия этилган. Унинг таркибидаги фруктозалар ошқозон ости безининг яхши ишлашини таъминлаши аниқланган. Айниқса, ундаги цитрулин аминокислотаси буйрак, жигар, юрак фаолиятини яхшилашда, қон-томир касалликларининг олдини олишда ҳамда даволашда муҳим аҳамиятга эга.

— Табиатда тарвузнинг ёввойи турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар асосан Осиё ва Африкада тарқалган, — дейди Андижон қишлоқ хўжалик институтини профессори, биология фанлари доктори Тўлқин Топиловдиев. — Бугунги кунда аччиқ тарвуз деб аталадиган тарвуз

қадимда «Абу жаҳл» номи билан аталган. Ҳозирги кунда ёввойи ҳолда Жанубий Африка, Арабистон ярим ороли ҳамда Эронда учрайди. Бу тарвуз ўз ватанида кўп йиллик ўсимлик, Ўрта Осиёда эса маҳаллийлашган бир йиллик ўсимлик. Аччиқ тарвузнинг мамлакатимизнинг барча жойларида етиштириш мумкин. Бу тарвуз апрель ойининг ўрталарида экилади, июль ойларида гуллайди ва ҳар палакда 2-4 тагача ҳосил солади. Унинг оғирлиги — 0,5-3 кг, ҳосилдорлиги эса гектарига 10-12 тоннани ташкил этади. Ҳозирги кунда бутун дунё аҳолиси орасида қандли диабет касаллигидан азият чекаётганлар сони ортиб бормоқда. Кўпгина мам-

лакатларда қандли диабет касаллигини даволашда беморларга аччиқ тарвуз истеъмол қилиш тавсия қилинмоқда. Аччиқ тарвузни қандли диабет касаллигида етти йилдан буён синаб келмоқдамиз. Олинган натижалар эса ижобийдир. Тарвуз шарбатидан 2-3 кун истеъмол қилган беморларнинг аксариятида қондаги глюкоза миқдори нормал ҳолатга яқинлашгани аниқланди.

Айниқса, ундаги цитрулин аминокислотаси буйрак, жигар, юрак фаолиятини яхшилашда, қон-томир касалликларининг олдини олишда ҳамда даволашда муҳим аҳамиятга эга.



Бундан ташқари, аччиқ тарвуз шарбати инсон организмининг турли паразит ҳужайралардан ҳам тозалайди. Соғлом инсонлар ҳам тарвуз шарбатидан ҳар йили 1-2 марта ичса, фойдадан холи бўлмайди...

— Тарвузнинг гипогликемик имкониятларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда, — дейди ЎзРФА ўсимлик моддалари кимёси институтини фармакология ва токсикология бўлими илмий ходими Нигора Юлдашева. — Ўтказилган дастлабки лаборатория текширувларида аччиқ тарвуз таркибидаги аччиқ таъм берувчи гликозиднинг кимёвий таркиби ва структура тузилиши аниқланди. Истиқболда

бизнинг лаборатория текширувларидан ўтгандан сўнг аччиқ тарвуз асосида қандли диабет касаллигини даволашда фойдаланиладиган дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши мумкин.

Аччиқ тарвузнинг ўзини ҳам, шарбатини ҳам узоқ сақлаб бўлмайди. Чунки унинг таркибидаги фаол моддалар ўзгариши натижасида таъсир хусусиятлари камаяди, таъми ўзгаради ва истеъмолга яроқсиз бўлиб қолади. Аччиқ тарвуз шарбатини маълум муддат сақлаш учун уни очик идишда 60-70 даражали сувда аралаштириш йўли билан буғлатиб, бутқа ҳолига келгунча қулатирилади ва устига оз миқ-

дорда тоза асал солиб, идиш қопқоғи ёпиб қўйилади.

Мухтасар айтганда, халқ табobatiда аччиқ тарвуз шарбатидан кенг фойдаланилган. Лекин фақат бугунги кунга келиб олимларимиз тавсиясига кўра, ундан қандли диабет касаллигини даволашда фойдаланилмоқда. Илмий текшириш муассасаларида олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида аччиқ тарвузнинг биологияси, агротехникаси ва биокимёвий таркибини тўла ўрганиш ва ундан турли дори-дармонлар ишлаб чиқиш юзасидан бир қатор ишлар олиб боришмоқда.

Шухрат ИСЛОМОВ
тайёрлади.

КЎРГАЗМА

Сирдарё вилоят маънавий тарбия марказида ижод намуналари дунёнинг Германия, Польша, Туркменистон, Россия, Қозонистон, Япония, Вьетнам, Корея, Таиланд, Малайзия, Ҳиндистон каби давлатларида намоиш қилинган сирдарёлик мусаввир, «Дўстлик» ордени соҳиби Аноркул Бойбековнинг «Баҳор гулдастаси» деб номланган кўргазмаси очилди.

МУСАВВИРНИНГ БАҲОР ГУЛДАСТАСИ

Унинг асарларида Сирдарёнинг табиат манзаралари, ўзига хос тарихий ва маҳаллий масканлар, экологик объектлар, тинчлик ва фаровонлик уйғунлигида бахтли турмуш кечираётган оилалар, келажакка ишонч билан қараётган умидли ёшлар қиёфаси ёрқин бўёқларда ўз аксини топган.

— Ушбу кўргазма мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган бўлиб, тарихан қисқа муддатда Ватанимизда, хусусан, она шаҳримизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, юрт фаровонлиги, одамларнинг ҳаётдан шукроналиги мўйқаламга олинган, — дейди Аноркул Бойбеков. — Уни ташкил қилишда ҳамкасбларим Аҳмад Бобоев ва Наталья Бобоевалар менга яқиндан ёрдам беришди.

Мўйқалам соҳибининг кўргазмадан жой олган акварель, мойбўёқ, кулолчилик йўналишидаги асарларида ижодкорнинг юртга бўлган меҳр-муҳаббати, қалб кечинмалари, қувонч ва ташвишлари ишонари тарзда акс эттирилган.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ХАВО 31.03-01.04 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-3 / -8 +3 / +8

Бухоро ва Навоий вилоятлари

-2 / -4 +3 / +8

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

-2 / -4 +3 / +8

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

0 / -2 +5 / +10

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

-2 / -4 0 / +5

Тошкент шаҳри

-2 / -4 +6 / +8

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +12 / +12

Париж +13 / +12

Москва +6 / +4

Мадрид +26 / +22

Пекин +15 / +13

Канберра +26 / +27

Рим +22 / +20

Афина +18 / +19

Токио +23 / +21

Стокгольм +11 / +9

Кейптаун +27 / +25

Қоҳира +26 / +24

Гавана +28 / +31

Вашингтон +17 / +15

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Қарши туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Қарши туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Замира Азизовага онаси Муаттар ҲАМРОЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СПОРТ

Олимпиячилар ғалабаси

Шу кунларда футбол бўйича Дакка шаҳрида ёшлар (U-23) ўртасида Осиё чемпионати гуруҳ саралаш учрашувлари давом этмоқда.

Мазкур мусобақанинг дастлабки турида ҳамюртларимиз ҳиндистонлик тенгқурларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратганини хабар қилгандик. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иккинчи учрашувда мезбонлар — Бангладеш футболчиларига қарши майдонга тушиб, йирик ҳисобда зафар қучди — 4:0. Голларни вакилларимиздан Жалолиддин Машарилов, Сардор Раҳмонов (иккита) ҳамда Аббосбек Махситалиевлар киритди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Сурия ёшлари ҳиндистонликларни ҳудди шу ҳисобда енгди — 4:0.

Иккинчи турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Сурия	2	2	0	0	8:0	6
2. Ўзбекистон	2	2	0	0	6:0	6
3. Ҳиндистон	2	0	0	2	0:6	0
4. Бангладеш	2	0	0	2	0:8	0

Гуруҳдаги навбатдаги учрашувлар бугун ўтказилади. Унда Ўзбекистон футболчилари сурияликларга қарши майдонга чиқса, иккинчи баҳсда Бангладеш — Ҳиндистон ёшлар терма жамоалари ўзаро куч синашади. Осиё чемпионати финал босқичига йўлланма олиш учун ҳамюртларимизни ушбу ўйинда фақатгина ғалаба қаноатлантиради.

Эслатиб ўтамиз, келаси йили Катарда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати финал босқичида 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмалари ҳал бўлди.

Икки олтин ва бир бронза

Туркиянинг Самсун шаҳрида дэюдо бўйича Гран-при туркумидаги йирик халқаро турнир якунланди. Дунёнинг олтинш саккиз давлати полвонлари голиблик учун майдонга тушган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз муносиб иштирок этди.

Бир ҳафта муқаддам Тбилисида ўтказилган халқаро турнирда олтин медал билан тақдирланган Шарофиддин Лутфуллаев (60 кг) бу гал ҳам мутахассислар ишончини оқлади. Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия ва Россия вакилларини енгган Шарофиддин яна бир бор шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров (66 кг) терма жамоамиз газнасига навбатдаги

олтин медални тақдим этди. Номдор полвонимиз финалгача Бельгия, Россия, Грузия ва Португалия дэюдочиларини мағлубиятга учратди. Хал қилувчи беллашууда Ришод мўғулистонлик Тумурхулел Даваадорджан устун келди.

Истеъдодли дэюдочимиз Шерали Жўраев (90 кг) эса бронза медали билан тақдирланди.

Рио-де-Жанейро Олимпиадаси йўлланмаси учун муҳим рейтинг очколари берувчи ушбу халқаро турнир якунида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида Голландия ва Озарбайжон вакилларидан кейин фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Эркин ХОЛБОВО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Халқаро театр

кўнига бағишланди

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси ҳамкорлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 март — Халқаро театр кўнига бағишланган бадий кеча ўтказилди.

— Ушбу театрлаштирилган томошалар намоишидан жуда хурсанд бўлдим, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева. — Мана шу кўнларга, дийдорга етказганига шукур.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ўз умрини театрга бахшида этган фахрийларимизга совға-саломлар берилди, бундан бошимиз осмонга етди. Бугунги ижодий кечада ёш актёрларимизнинг маҳорат билан ўйнаган сахна кўринишлари кўнглимизни тўлқинлантириб юборди. Бизнинг изимиздан келатган муносиб ва истеъдодли ёшлар бор экан, демак, театр бундан буён ҳам ҳамиша томошабинлар билан гажжум бўлади...

Нуруллоҳ ДОСТОН

РЕКЛАМА

ОТВАНК

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

юртдошларимизни, ўз акциядорлари
ва мижозларини
Наврўзи олам билан қутлайди.
Барчага сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат, хонадонларига
тинчлик-тотувлик,
қут-барака тилайди.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359

21 236

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22.10

Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda kelishilgan narxida

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDULLAYEV

ISSN 2010-7433

1 2 4 5 6